



А.Х.Назиров

доц. и.ф.н. ТАКУ. «Курилишда менежмент» кафедраси, илмий раҳбар

У. Нормирзаев

ТАКУ. Менежмент йуналиши 2-курс магистри

ЎЗБЕКИСТОНГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КИРИТИШНИ ЗАРУРЛИГИ

Аннотация: *Мақола тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг назарий асослари, унга оид ёндошувлар ва унинг турларини таҳлил қилишга бағишланган. Унда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турларининг таснифланиши батафсил ёритиб берилган.*

Аннотация: *Статья посвящена анализу теоретических основ, подходов и типов прямых иностранных инвестиций. В ней детально освещена классификация типов прямых иностранных инвестиций по разным критериям.*

Annotation: *The article is dedicated to the analysis of theoretical footings, approaches and types of foreign direct investment. It was enlightened the classification of foreign direct investment types on different criteria in detail.*

Таянч сўз ва иборалар: *тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, ресурс изловчи, бозор изловчи, самара изловчи, стратегик восита изловчи.*

Кириш

Иқтисодиётда юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилашда **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.** Дарҳақиқат, Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”(1).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция бу трансчегаравий инвестицияларнинг шундай турики, унда бир иқтисодиётдаги резидент бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага инвестиция киритиши унинг бошқарувини назорат қилиш ёки унга салмоқли таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Бунда бошқарувни назорат қилиш учун корхонанинг камида 50 фоиз овоз бериш ҳуқуқи, унга салмоқли таъсир кўрсатиш учун эса 10-50 фоиз овоз бериш ҳуқуқи талаб қилинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш ташкилотининг 1999 йилдаги Жаҳон инвестиция ҳисоботида айтилишича эса туғридан-туғридан хорижий инвितिцияларни киритиш бу бир иқтисодиётдаги резидент бирликнинг (хорижий инвестор ёки бош



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

корхона) бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага узоқ муддатли алоқа, давомли манфаат ва назоратни кўзлаб киритган инвестициясидир .

Асосий мавзу

Туғридан-Туғри Халқаро Инвестицияларни импорт ўрнини босувчи, экспортни рағбатлантирувчи ва давлат ташаббуси остидаги турларга ажратиш мумкин (5). Импорт ўрнини босувчи Туғрида туғри хорижий инвестицияларни муайян мамлакатда ушбу мамлакат аввал импорт қилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун киритилган инвестициялар ҳисобланади ва бу мазкур мамлакатнинг ўша маҳсулот бўйича импортини қисқаришига ва инвестор мамлакатнинг эса экспортини камайишига олиб келади. Бу турдаги Туғридан-туғри хорижий инвестицияни рағбатлантирувчи асосий омиллар қабул қилувчи мамлакат бозори ҳажмининг катталиги, транспортация харажатлари ва савдо тўсиқларининг мавжудлигидир. Экспортни рағбатлантирувчи Туғридан-туғри хорижий инвестиция эса реципиент мамлакатнинг инвестор мамлакат ва транс миллий компаниялар филиаллари жойлашган мамлакатларга хом ашё материаллар ва оралиқ маҳсулотлар экспортини рағбатлантиради. Чунки бу турдаги Туғридан-туғри хорижий инвестиция мақсади ишлаб чиқариш учун янги манбалар ва омиллар излаб топишдир. Давлат ташаббуси остидаги туғридан-туғри хорижий инвестиция турига ҳукумат тўлов балансидаги дефицитни йўқотиш мақсадида хорижий инвесторларга турли имтиёзлар таклиф қилиш жараёнида жалб қилинган инвестициялар киради.

Кўпчилик ривожланишга утаётган мамлакатларида туғридан-туғри хорижий инвестицияларга асосан ресурс изловчи характерга эга бўлади. Бу турдаги инвестициялар учун рағбатлантирувчи омиллар сифатида мамлакатларнинг хом-ашё ва меҳнат ресурсларига бойлигини келтириш мумкин. Бундай турдаги инвестициялаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса асосан экспорт қилинади.

Бозор қидирувчи туғридан-туғри хорижий инвестициялар эса муайян мамлакат ёки минтақа истеъмол бозорларини эгаллашни мақсад қилиб, бу турдаги инвестицияларни киритувчи корхоналар одатда ўз маҳсулотларига бўлган жорий ёки келгуси талабга жавобан уй хўжаликлари учун зарур истеъмол ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Бозор изловчи Туғридан-туғри хорижий инвестициялар кўпинча химояловчи характерга эга бўлиб, корхоналар томонидан қабул қилувчи мамлакатдаги импорт тўсиқларини айланиб ўтиш мақсадида амалга оширилади. Бу турдаги инвестициялар олиб кирувчи инвестор учун шу мамлакатдаги либерал савдо сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Самара изловчи туғридан-туғри хорижий инвестиция харажатлар паст бўлган реципиент мамлакатдаги арзончиликдан фойдаланиш учун амалга оширилади. Ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши эса инвестор корхоналар самарадорлигини



"INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

оширишга хизмат қилади. Масалан, кредит карта компаниясининг АҚШлик мижозлар учун Ҳиндистонда чақирув (қўнғироқ қилиш) марказини очиши ишчилар учун харажатларни камайтиради ва самара изловчи туғридан-туғри хорижий инвестиция сифатида эътироф этилади.

Трансмиллий компаниялар ва суёт рақобат назарияси доирасида эса Канадалик иқтисодчи Стивен Хаймер (1960 й.) ўз тадқиқотларида трансмиллий компаниялар рақобатдошлиги ва уларнинг халқаро фаолиятини таҳлил қилган. Хорижий инвесторлар учун чет элга ишлаб чиқариш инвестицияларини киритиш ички бозорда ишлаб чиқаришни ташкил этишдан кўра кўпроқ рисклар ва харажатларни келтириб чиқаради. Аммо улар хорижий бозорлардаги рақобатнинг номукамаллиги ва суэтлигидан фойдаланадилар

Туғридан-туғри хорижий инвестициялар ва миллатларнинг рақобат устунликлари назариясида М.Портер (1990 й.) туғридан-туғри хорижий инвестиция қабул қилувчи мамлакатлар рақобатдошлигини таҳлил қилиб Туғридан-туғри хорижий инвестиция ва рақобатдошлик ўртасидаги боғланишни ўрганди (16). У ўнта саноати ривожланган мамлакатлардаги уларнинг экспортида асосий ўрин эгалловчи юздан ортиқ тармоқлар рақобатдошлигини тадқиқ қилди. Муаллиф трансмиллий компаниялар ва реципиент мамлакатларнинг рақобат устунликлари ўртасидаги динамик таъсирлашувни кўрсатади.

Туғридан-туғри хорижий инвестиция мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва унинг барқарор ўсишини таъминлаш омили экан, ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этадиган унга оид назарий асосларнинг такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Дубов А.М., Лагоша Б.А., Хрусталева Е.Ю., Барановская. Моделирование рискованных ситуаций в экономике и бизнесе. Учебное пособие/– 2-е изд.-М.:Финансы и статистика, 2003. -224 с.
2. Есипов В. Е., Маховикова Г. А., Бузова И.А. Экономическая оценка инвестиций: Теория и практика (под ред. Есипова В.Е.) Издательство: Вектор, 2006.-288 с.
3. Колмыкова Т.С. Инвестиционный анализ: учебное пособие. – Москва:ИНФРА-М, 2009. – 204с.
4. Портер М.Э. Конкуренция.: Пер. с англ. М.: Издательский дом «Вильямс», 2003. – 496 с.
5. Хасанов Р.Х. Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов . http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=2784__